

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАРОТОВА МУБАШИРА БАРОТОВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИНИНГ БЕВОСИТА ИНГЛИЗЧА  
ТАРЖИМАСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

УДК: 81`255.2=111:821.512.133 Э.Аъзам

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**The contents of dissertation abstract for Doctor of Philosophy (PhD)  
in Philological Sciences**

**Баротова Мубашира Баротовна**

Эркин Аъзам асарларининг бевосита инглизча таржимасига хос

хусусиятлар ..... 5

**Баротова Мубашира Баротовна**

Особенности непосредственного перевода на английский язык произведений

Эркина Агзама ..... 25

**Barotova Mubashira Barotovna**

Specific Peculiarities of the Direct English Translation of the Works by Erkin

A'zam ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 52

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАРОТОВА МУБАШИРА БАРОТОВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИНИНГ БЕВОСИТА ИНГЛИЗЧА  
ТАРЖИМАСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fil739 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қувватова Дилрабо Ҳабибовна**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Якубов Исламжон Аҳмеджанович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Қасимова Раъно Раҳматуллоевна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 12 «декабрь» соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-29-14, Email: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 16 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2020 йил «27» ноябрь кuni тарқатилди. (2020 йил «27» ноябрь даги 11 рақамли реестр баённомаси).



**Д.С. Ўраева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**З.И. Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**М.М. Жўраева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида адабиётлараро, халқлараро, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлаш воситаси бўлган таржима асарларини қиёсий-типологик аспектда текшириш, миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш йўналишида қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбек ёзувчиларининг рус, инглиз, француз ва дунёнинг бошқа тилларига ўгирилган асарлари таржимасига хос лингвопоэтик хусусиятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда адабиёт илмида таржима асарларини муқоясавий ўрганиш, ёзувчи ижодий индивидуаллиги, услубига хос хусусиятларни ёритиш, мутаржимнинг ижодкор услубини қайта яратишдаги маҳоратини очиб бериш йўналишида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан асарлари ўзбек тилидан жаҳон тилларига, жумладан, инглиз тилига ўгирилган адиблар ижодини аслият ва таржима аспектида қиёсий текшириш, ижодкор ва мутаржим услуби, поэтикаси, бадиий тили каби муаммоларига алоҳида диққат қаратилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида таржима асарларига хос муҳим жиҳатларни, миллий ёзувчиларнинг хориж тилларига ўгирилган роман, қисса ва ҳикояларини лингвопоэтик жиҳатдан қиёсий аспектда текширишга катта эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан «...жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада замонавий ўзбек адабиётининг бевосита хориж тилларига ўгирилган эпик тур намуналарини аслият ва таржима қиёси аспектида ўрганиш; уларнинг бадиий тили, лексикасига хос хусусиятлар, ижодкор услубини қайта яратишда миллий таржимоннинг маҳоратини очиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши//Халқ сўзи. 2017 йил 14 январь. –№184 (6878)

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида мавзу юзасидан икки йўналишда тадқиқотлар амалга оширилган:

1. Ижодкор услуби, уни қайта яратиш, насрий асарлар таржимасига хос хусусиятларни илмий баҳолаш орқали жаҳон адабиётшунослигида Н.Тамарченко, В.Тюпа, С.Бройтман, И.Алексеева, В.Виноградов, Э.Гут, Ю.Борев, В.Хализев<sup>2</sup> сингари олимларнинг тадқиқотларида, ўзбек адабиётшунослигида Э.Худойбердиев, М.Пирназарова, Ш.Давронова, Қ.Мусаев, С.Мирзаев, Ғ.Саломов<sup>3</sup> нинг диссертация, китоб ва мақолаларида маълум бир давр адабиётидаги услубий изланишлар ва муайян ижодкор услубига хос хусусиятлар очиб берилган.

2. Эркин Аъзам ижодига бағишланган тадқиқотлар. Сўнгги йиллар ўзбек насри тадқиқига бағишланган М.Шералиева, У.Норматов, Т.Шермуродов, А.Холмуродов, Ф.Ражапова, Н.Ашурова, Ш.Давронова, С.Қурбонов, М.Қўчқорова, Ш.Одилов, О.Шофиев, С.Содик<sup>4</sup> сингари олимларнинг

---

<sup>2</sup> Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н. Теория литературы в 2-х томах. Том 1. – М.: Академия, 2004. – 340 с. Алексеева И.С. Текст и перевод. Вопросы теории. – М.: Международные отношения, 2008. – 184 с. Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М.: Изд-во МГУ, 1978. – 174 с. Gutt E. Translation and Relevance: Cognition and Context. – Oxford: Basil Blackwell, 1991. – 278 p. Борев Ю.Б. (ред.) Теория литературы. Роды и жанры (основные проблемы в историческом освещении). Том 3. – М.: ИМЛИ РАН, 2003. – 592 с. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2000. – 398 с.

<sup>3</sup> Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Шарқ, 2008. – 366 б. Пирназарова М.М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. Филол. фан. номз. дисс. – Т., 2006. – 161 б. Давронова Ш. Адабий жараён ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги. Филол. фан. номз. дисс. – Т., 2004. – 162 б. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2005.

– 422 б. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Қайта нашр. – Т., 2016. – 219 б.

<sup>4</sup> Шералиева М. Эркин Аъзам қиссаларида асосий сюжет вазиятлари//Илмий хабарнома. – Андижон, 2017.

– №3. – Б. 77-79. Норматов У. Янгиланиш машаққатлари//Ўзбекистон Адабиёти ва санъати, 1988. – №1. Шермуродов Т. Иқтидорнинг ҳалол нигоҳи//Шарқ юлдузи, 1989. – №10. – Б. 189-190. Холмуродов А. Янги қахрамонлар талқини//Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – №1. – Б. 55-57. Ражапова Ф. Аччиқ қисматли шахс фожиаси//Шарқ юлдузи, 2016. – №2. – Б. 130-133. Ашурова Н. Эркин Аъзам услубининг айрим хусусиятлари//Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №5. – Б. 65-67. Давронова Ш. Адабий жараён ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги. Филол. фан. номз. дисс. – Т., 2004. – 162 б. Қурбонов С. Эркин Аъзам ижодида эврилаётган инсон тасвири//Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №2. – Б. 67-71. Қўчқорова М. Асосий машғулоти – адабиёт, аммо омадим кинода чопди//Шарқ юлдузи, 2014. – №1. – Б. 158-163. Адилов Ш. Образ современника в узбекском рассказе (70 –е 80- е годы). Дисс. канд.филол.наук. – Т., 1989. – 167 с. Шофиев О.

тадқиқотлари бу жиҳатдан аҳамиятли. Мазкур ишларда Эркин Аъзам ижодига хос хусусиятлар замонавий ўзбек насри тамойилларини тадқиқ этиш жараёнида ёритилган. Адиб ижодига бағишланган мақолалардан таркиб топган «Эркин Аъзам бадиий олами»<sup>5</sup> китобида ҳам ёзувчи услуби билан боғлиқ қарашлар жамланган. Бинобарин, «Эркиннинг одамларга ҳам меҳри улғу. «Анойининг жайдари олмаси» ёки «Боғбололик Кўкалдош» ҳикояларини олинг. Уларда характер тасвири чексиз меҳр туғдиради», – деб ёзади Асқад Мухтор «Жавоб»<sup>6</sup> қиссасига ёзган сўнгсўзида. Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг номзодлик диссертациясида, Ҳакимжон Каримов 80-90 йиллар ҳикоячилиги қамровида адиб ҳикояларини ҳам таҳлилга тортади. Ш.Одилов 70-80 йиллар ўзбек адабиётида инсон образи ҳақида сўзлар экан, адибнинг «Анойининг жайдари олмаси» қиссасидаги Асқар, «Жавоб» қиссасидаги Элчиев образларини атрофлича таҳлил этади<sup>7</sup>. Тадқиқотчи М.Шералиева «Жавоб» ни насрдаги киноя намунаси дея баҳолайди<sup>8</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ва жаҳон тилшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинган. Мазкур тадқиқотда замонавий ўзбек насрининг таниқли намояндаси Эркин Аъзам асарлари бевосита инглизча таржимасига хос хусусиятлар, ёзувчи услуби, аслият ва таржима бадиий тили, лексикаси масаласи монографик тарзда текширилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ўзбек насрининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Эркин Аъзамнинг инглиз тилига таржима қилинган роман, қиссалар ва ҳикояларига хос лингвоэтик хусусиятларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Эркин Аъзам асарлари таржимасининг ижтимоий-бадиий омилларини аниқлаш;

адиб асарларини инглиз тилига таржима қилиш жараёнида аслиятни ифодалаш хусусиятларини очиқ бериш;

ёзувчи асарлари инглизча таржимасида ижодкор услубини қайта яратишдаги миллий таржимон маҳоратини очиқ бериш;

---

Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – С., 2019. – 51 б. Содиқов С. Ёшлар қиссачилиги ҳақида ўйлар//Шарқ юлдузи, 1982. – №12. – Б. 160-165.

<sup>5</sup> Эркин Аъзам бадиий олами: Илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами. – Т.: Turon zamin ziyo, 2014. – 304 б.

<sup>6</sup> Аъзамов Э. Жавоб. Т.: Ёш гвардия. 1986. – 269 б.

<sup>7</sup> Адиллов Ш. Образ современника в узбекском рассказе (70-е 80-е годы). Дисс. канд.филол.наук. – Т., 1989. – 168 с.

<sup>8</sup> Шералиева М. 80-йиллар ўзбек насридаги киноя хусусида//Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – №1. – Б. 40-43.

адиб асарларида акс этган миллий турмуш манзараларининг таржимада ифодаланишини қиёсий текшириш;

таржимада миллий менталитетга хос хусусиятларининг реалиялар, мақоллар, иборалар орқали ифодаланишини ёритиш;

аслият ва таржима бадиий тили, лексикасига хос хусусиятларни аниқлаш;

таржима таҳлили жараёнида учраган услубий хато, камчиликларни кўрсатиш ва муқобилларини таклиф этиш асосида уларни бартараф этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Эркин Аъзамнинг «Шовқин» романи, «Пақананинг ошиқ кўнгли», «Гули-Гули» қиссалари, «Аралашқўрғон», «Ёзувчи» ҳикоялари, шунингдек, адибнинг мутаржим Аъзам Обидов томонидан инглиз тилига таржима қилинган асарларидан таркиб топган «Farewell to Fairy Tales» ва «Heirs to the Great Sinner Sheikh San'op» тўпламлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Эркин Аъзам асарларининг бевосита инглизча таржимасига хос хусусиятлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-типологик, аналитик, контекстуал-компонент, дескриптив, трансформацион, психологик ва комплекс таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

замонавий насрий асарларни инглиз тилига ўгириш жараёнида Эркин Аъзам асарлари таржимасига асос бўлган миллат тақдири, тарихи, психологияси, иродаси, урф-одати ва анъаналари; ўзбек халқининг инсонийлик фазилатлари: бағрикенглиги, камтарлиги, самимийлиги, меҳмондўстлиги каби ижтимоий омиллар аниқланган;

адиб ижодий арсеналининг хилма-хиллиги ҳикоя, қисса, роман сингари эпик турга мансуб; янги киноқисса, драматик қисса каби синкретик кўринишдаги асарлари орқали асосланган; романчиликнинг янги услуби, улардаги рамзийлик, онг оқими тасвири, хотира, мактуб, киноя, юмор, психологизм каби бадиий талқин усуллари, қўшсарлавҳалик каби бадиий омиллар очиб берилган;

адиб асарлари қўшсарлавҳалари рамзий ва киноя мазмунидаги номларга ажратилиб, Эркин Аъзам услубига хос киноя шакллари (киноявий сўз, киноявий бирикма, киноявий ибора) ва унинг инглизча таржимада берилиши қиёсий-типологик таҳлил методи асосида очиб берилган;

Эркин Аъзам асарларида акс этган миллий ҳаёт манзаралари, реалия, урф-одат, миллий характерларнинг инглиз тилида ифодаланиши ёритилиб, таржимада киноя, фразеологизм, мақол кабиларнинг эквивалентини мувофиқ тарзда бериш ва сўзма-сўз ўгириш орқали миллий хусусиятларнинг сақланиши контекстуал-компонент таҳлил методи орқали асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

адиб асарларида қўлланган монологнинг анъанавий қолип ва қоидаларидан четга чиққан кўриниши аниқланиб, адиб ижодига хос сўзлар, персонаж нутқи, жуфт, такрорий сўзларнинг инглиз тилида берилиши,

уларнинг маънони кучайтириш, умумлаштириш, қаҳрамон характери, руҳиятини очиб бериш каби бадиий вазифаларни бажариши очиб берилган;

аслият ва мувофиқлик ҳолатлари чегараси дескриптив таҳлил методи асосида белгиланган;

адиб асарлари инглизча таржимасидаги услубий муаммолар ўзбек тилидаги мақол ва маталлар, фразеологик бирликлар ва иборалар, сўз, сўз бирикмалари ва реалияларни эквивалентлик ва сўзма-сўз усулда берилиши билан боғлиқ ҳолда аниқланган ва миллий-маданий жиҳатдан мақбул вариантлар келтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга, адабиётшунослик ва тилшуносликнинг замонавий илмий концепцияларига таянилганлиги; таҳлилга тортилган материалларнинг қиёсий-типологик, аналитик, контекстуал-компонент, дескриптив, трансформацион, психологик ва комплекс таҳлил методлари воситасида асосланганлиги; назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий ўзбек адабиётининг таниқли вакили Эркин Аъзам ижодини комплекс ўрганишда, таржима ва аслият муносабатларини ёритиб беришда, таржиманинг замонавий усуллари билан белгилашда, миллий мутаржим маҳоратига хос жиҳатларни ёритишда, қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда ва шу йўналишдаги ишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги материаллар, ишнинг натижа ва хулосалардан «Қиёсий адабиётшунослик», «Чоғиштира тилшунослик», «Лингвумаданиятшунослик», «Таржима назарияси», «Янги ўзбек адабиёти» фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда; адабиётшунослик, тилшунослик атамалари луғатларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркин Аъзам асарларининг бевосита инглизча таржимасига хос хусусиятларнинг қиёсий таҳлили жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

дунё тилларида инсон руҳияти ифодаланишини таъминловчи воситаларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, уларнинг шаклий-мазмуний тузилишидаги фарқларни аниқлаш, фарқли бирликларнинг услубий, мазмуний ҳамда вазифавий жиҳатлари каби масалаларга доир маълумотлардан А-1-39-сонли «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» (2014-2017) номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 89-03-2616-сонли маълумотномаси). Натижада турли тизимли тилларда инсон руҳияти ифодаланишини таъминловчи бирликларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беришга эришилган;

миллий хусусиятлар ва уларнинг таржимада ифодаланиши, миллий колорит тушунчаси, уларни таржима қилишдаги ёндашувлар ва муаммолар, миллий характер, таржимада аслиятдаги маъно ва мазмуннинг сақланиши, тасвирий ифодаларни бериш усуллари ва аҳамияти, халқ урф-одатлари, уларнинг миллийликни ифодалашдаги роли, таржимада бера олиш маҳорати ва ундаги муаммолар таҳлили каби илмий хулосаларидан Ф1-ХТ-0-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 январдаги 88-87-86/01-сонли маълумотномаси). Натижада миллий колорит тушунчаси, уларни таржима қилишдаги ёндашувлар ва муаммолар каби масалалар муайян ечимини топишига имкон яратилган;

таржиманинг аҳамияти, таржимада ижодкор услубини аслиятдагидек бера олиш усуллари ва бу жараёнда учрайдиган муаммолар, тасвирий воситалар ва уларнинг таржимада берилиши, насрий асар таржимаси ва унинг тилига хос хусусиятлар, тиллараро тил ифодаларини қиёслаш асосида уларнинг қийматини оширишда қўлга киритилган ютуқ ва муаммолар, оғзаки ва бадиий тил ифодаларига тегишли лингвистик манбалар таҳлилидан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» (2014-2015) номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги 158/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада таржиманинг аҳамияти, унда ижодкор услубини аслиятга мувофиқ бериш усуллари ва бу жараёнда учрайдиган камчиликлар оғзаки ва бадиий тил ифодаларига тегишли лингвистик манбалар орқали асосланишига эришилган;

ёзувчининг бадиий маҳорати ва миллий адабиётдаги асарларнинг ноқардош тиллардаги таржимасини ўзаро қиёслаш, бадиий-эстетик ғояни асарда акс эттиришга доир қарашлардан Туркиянинг Истамбул Тижорат университетида Erasmus+(K-102) лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Истамбул Тижорат университетининг 2020 йил 11 мартдаги маълумотномаси). Натижада халқаро талабалар учун жаҳон адабиёти, қиёсий адабиётшунослик, адабиёт назарияси, хусусан, насрий асар таржимаси, аслият ва таржимадаги адабий тил хусусиятлари, таржимада лексик бирликларнинг ифодаланиши, фразеологик бирликлар, киноя таржимасида мутаржим услуби каби тушунчалар ҳақида батафсил маълумот олиш имконияти вужудга келган;

Эркин Аъзам ижоди ва адиб асарлари таржимасининг ижтимоий-бадиий омиллари, унинг услубидаги ўзига хосликлар, таржима соҳасининг жамиятдаги аҳамияти ва долзарблиги, ўзбек халқи миллий ҳаёт манзараларининг ўзга халқлар тилида акс этишида таржиманинг роли, миллий характерлар ва урф-одатлар ифодасига хос жиҳатлар, таржимада мақол, киноя, реалия ва бошқа миллийликни ўзида акс эттирувчи

жанрларнинг берилишида ва қиёслашда қўлга киритилган ютуқлар ва муаммолар, насрий асар таржимаси ва унинг тилига хос хусусиятлар ҳақидаги илмий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпанияси томонидан намоёниш этилган «Ассалом, Бухоро» дам олиш дастурининг «Тил билган – эл билади» номли саҳифасида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 майдаги 02-15/4675-сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг Э.Аъзам ижоди, унинг таржима асарлари, ўзбек халқи миллий ҳаёт манзараларининг ўзга халқлар тилида таржима орқали ифодаланиши ҳақидаги хулосаларини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан 5 таси республика ва 3 таси халқаро базалар (Импакт факторли ҳамда Скопус) рўйхатига кирган хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, ҳар бир боб бўйича хулосалар, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий жами 155 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эркин Аъзам асарлари инглизча таржимасида аслиятни ифодалаш омиллари ва бадий усуллари**» деб номланган биринчи боби учта фаслдан иборат. Бобнинг дастлабки фаслида Эркин Аъзам асарлари таржимасининг ижтимоий-бадий омиллари ҳақида фикр юритилган. Айтиш мумкинки, замонавий ўзбек ёзувчилари орасида асарлари жуда кўп тилларга таржима қилинган ижодкор Э.Аъзамдир. Унинг асарлари бугунги кунда инглиз, француз, рус, украин, белорус, грузин, болгар, чех каби дунё ва қозок, тожик, туркман сингари қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Бунинг ўзига хос ижтимоий-бадий омиллари мавжуд:

1. Ижтимоий омиллар. Эркин Аъзам асарларида миллат тақдири, тарихи, психологияси, иродаси, урф-одат ва анъаналари акс этади. Шу билан бирга ўзбек халқининг инсонийлик фазилатлари: бағрикенглиги, камтарлиги,

самимийлиги, меҳмондўстлиги адиб қаҳрамонларида мужассамдир. Шу жиҳатдан ёзувчи асарларининг мазмун-мундарижаси инсон қадр-қимматини улуғлашга қаратилган. Масалан, «Ёзувчи» ҳикоясининг қаҳрамони тимсолида ижодкор табиатига хос камтарликни улуғлайди. Айни вақтда собиқ тузумдаги сохтакорликни, инсоний қадр-қимматнинг топталишини фош этади.

«Пакананинг ошиқ кўнгли» қиссаси қаҳрамони Пакана орқали адиб инсон жисмидаги камчилик туфайли кўнгли озор чеккан, ҳаёт қувончларидан бебахра ва жамият эътиборидан четда бўлган аламзада шахснинг трагикомик ҳаёти, ҳиссиётларини тасвирлаган. Шу маънода Пакана ҳам трагикомик, ҳам трагироник характерга эга.

«Шовқин» романида эса Э.Аъзам маънавият масаласини – шўро даврининг қаҳрамон болалиги кечган «зафарли йиллари» дан тортиб, қайта қуриш деб номланган йилларигача бўлган даврда чалажон этилган маънавиятимиз, оёқости қилинган миллий қадриятларимиз, сиёсий талотўплар ичида топталган шахс эрки, инсон ҳуқуқи масалаларига асосий эътиборни қаратади. Шарқ дунёқарашини, исломий-миллий муносабатларнинг рус маданияти билан қўшилуvidан юзага келган маънавиятсизлик, қиёфасизлик фожиаси юзага келганлиги бадий лавҳаларда тасвирланган.

2. Бадий омиллар. Замонавий ўзбек насри тараққиётига назар ташласак, эпик турнинг деярли барча жанрларида бирдай қалам тебратган ёзувчилар жуда кам. А.Қодирий, Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодиров каби улуғ ёзувчилар қаторида Э.Аъзам ҳам шу сафни тўлдириб туради. Адибнинг «Навоийни ўқиган болалар», «Олам ям-яшил», «Кечикаётган одам» каби тўпламларидан ўрин олган ҳикоялари; «Шоирнинг тўйи», «Пакананинг ошиқ кўнгли», «Гули-Гули», «Чапақлар ёки чалпақлар мамлақати», «Жаннат ўзи қайдадир», «Сув ёқалаб», «Байрамдан бошқа кунлар» қиссалари; «Шовқин» романи бу жиҳатдан мулоҳазаларимизни асослаб туради.

Эркин Аъзам ижодига хос муҳим жиҳат шундаки, у ҳар бир жанр устида изланган, қиссанинг янги жанр кўринишларида асарлар ёзган. Киноқисса («Забаржад», «Сув ёқалаб»), драматик қисса («Жаннат ўзи қайдадир») каби мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Адиб асарларининг ўқишлилик даражаси шунда кўринадики, «Пакананинг ошиқ кўнгли», «Забаржад», «Гули-Гули» асарлари асосида кинофильмлар яратилди ва кенг томошабинлар оммасига ҳавола этилди. Қолаверса, унинг романчиликдаги янги изланишларини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Адабиётшунос М.Қўчқорова «Шовқин» романи ҳақида шундай ёзади: «Романда рамзийлик, мажозийлик, мистификация, онг оқими тасвири, хотира-хаёл элементлари, мактуб, киноявий модус, енгил юмор, бадий психологизмнинг турли хил восита ва усуллари мужассамлашган. Асар ўзбек романчилигида синалмаган, айтилмаган янги услубда яратилган»<sup>9</sup>. Зеро, асар таржимасининг муваффақиятини таъминлаган бадий омил ҳам шунда.

<sup>9</sup> Қўчқорова М. «Шовқин»нинг шов-шувлари//Ёшлик, 2013. – №1. – Б. 45.

Кейинги омил ҳар бир асар сарлавҳасидан сўнг иккинчи ном ёхуд кўшсарлавҳалар берилиши билан боғлиқ. 1. Рамзий маъно билдирувчи номлар. «Чапақлар ёки чалпақлар мамлақати» («Коммунизмдан репортаж»), «Шоирнинг тўйи» («Кечаги кундан ривоят»), «Шовқин» («Олис шаҳар, олис кечмишлар»). Аслида бунда асосий ном ҳам, кўшимча ном ҳам рамзий маъно билдириб келган. Таржимада ҳам шу жиҳат сақланган. Яъни «Шовқин» «The Din» тарзида «Олис шаҳар, олис кечмишлар» эса «Distant city, distant pasts» деб ўгирилган. 2. Киноя мазмунидаги номлар. «Жаннат ўзи қайдадир ёхуд Жийдалидан чиққан Жўрақул ва унинг хонадонидан кечган савдолардан нақл этувчи икки қисмли драматик қисса», «Пақананинг ошиқ кўнгли» («Бўй ва мўй ўстириш тажрибаси ёхуд руҳ тарбияси»), «Фаррош кампирнинг туши» («Бошига кулфат тушган бир бекорчихона ҳангомаси») асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу асарлар орасида «Пақананинг ошиқ кўнгли» инглиз тилига ёзувчи услуби сақланган ҳолда «A Tender-Hearted Dwarf» («A Small Man's Experiences of Growing Up») деб ўгирилган.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида киноя ва таржимон услуби ҳақида сўз юритилган. Бадиий асарда киноянинг ўрни масаласи Грегори А.Брайнт, Клэр Колбрук, Анна Меллор, Л.А.Микаелис, Ҳ.Фенг, Ж.М.Уален, П.М.Пексман, А.Ж.Жил, С.Ноусон, Ю.А.Кирюхин, Е.Мирошник сингари хорижлик олимлар, Л.Тошмухамедова, М.Шералиева, М.Кўчқорова, О.Шофиев<sup>10</sup> каби ўзбек тадқиқотчилари томонидан ўрганилган ва унинг муайян функцияларни бажариши кўрсатиб берилган. Ҳақиқатан ҳам, киноя бадиий асарда турли бадиий-эстетик вазифаларни адо этади. Таниқли ёзувчи Эркин Аъзам ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири киноянинг қўлланиши билан боғлиқ. «Кинояда кулгили ҳолат жиддийлик ниқоби остида, салбий муносабат устунлигида берилади, юморда жиддийлик кулгили ниқобда ифодаланади, сатириани фош этувчи кулгиси орқали эса салбий иллатлар қораланади»<sup>11</sup>. Э.Аъзам кинояларида шу хусусиятлар кўзга ташланиб туради. Ҳаётдаги оғриқли нуқталар ва давр муаммоларининг киноя орқали берилиши муҳим хусусиятдир. М.Шералиеванинг ёзишича киноя: «1) ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзига хослиги ва унинг ёзувчи

<sup>10</sup> Bryant G.A., Jean E. Recognizing Verbal Irony in spontaneous Speech//Metaphor and Symbol, 2002. – № 17(2). – P. 99-117. Colebrook C. Irony (The New Critical Idiom). – London and New York: Routledge, 2003. – 202 p. Mellor A.K. English Romantic Irony. – USA: Harvard University Press, 1980. – 220 p. Michaelis L.A., Feng H. What is this, sarcastic syntax?//Constructions and Frames, 2015.– №7. – P. 148-180. Whalen, J., Pexman P., Gill A., Nowson S. Verbal irony use in personal blogs//Behaviour & Information Technology, 2013. – № 32. – P. 560-569. Кирюхин Ю.А. Ирония как актуальная форма комического. Автореф. диссер. канд. филол. наук.– М., 2011. – 25 с. Мирошник Е.К. Языковые средства создания иронии в произведениях О. Хаксли и Дж. Мерседита и их передача на русский язык. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 2013. – 21 с. Тошмухамедова Л. Бадиий асарда кулгунинг эстетик вазифаси//Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. –№ 2. – Б. 18-24. Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (монография). – Т: Akademnashr, 2016. – 224 б. Кўчқорова М. Эркин Аъзам насри ва киноявий бадиий шартлилик//Эркин Аъзам бадиий олами(тўплам). – Т.: Turon Zamin Ziyu, 2014. – 304 б. Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – С., 2019. – 51 б.

<sup>11</sup> Тошмухамедова Л. Бадиий асарда кулгунинг эстетик вазифаси//Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. – № 2. – Б. 18.

дунёқарашига таъсири; 2) ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик қарашларни тубдан ўзгартириш, янгилаш эҳтиёжининг ижодкорлар талқинида акс этиши; 3) ижодкор табиатининг кинояга мойиллик даражаси»<sup>12</sup> билан боғлиқ ҳолда акс этган.

Адиб асарларида қўлланилган кинояни тузилиши жиҳатдан учга ажратиш мумкин: 1. Киноявий сўз. 2. Киноявий бирикма. 3. Киноявий ибора.

1. Киноявий сўз. «Аралашқўрғон» ҳикоясида: «*Нохуш гапга суюнчи олиб нима зарил?*»<sup>13</sup> Ушбу парчада «суюнчи» сўзи кўштирноққа олинмаган бўлса-да, киноя вазифасида қўлланган. Таржимада бу жумла «*to break bad news*» тарзида берилган. Бунда аслият мазмуни берилган бўлса-да, адиб услуби ўзгартирилган ва киноявий сўз ўз шаклини йўқотган.

2. Киноявий бирикма. «Аралашқўрғон» ҳикоясида: «*Бош уста*» нинг сурбетларча писандасига кўра ...»<sup>14</sup> Ушбу парчада «*бош уста*» сўз бирикмаси киноя сифатида қўлланган. Дўкондор эски чорпояни усталар ёрдамида таъмирлатиб, яроқли ҳолга келтирган. Бу ишга ўзидан маблағ сарфлагани учун ўзини бош уста сифатида эътироф этган. Таржимада «*бош уста*» бирикмаси «*the main craftsman*» тарзида айнан ўгирилган ҳамда кўштирноққа олиш билан киноя эканлиги билдирилган.

3. Киноявий ибора. «Шовқин» романида: «*Нима десангиз, нима қилсангиз, ҳатто қийнасангиз ҳам розиман, Фарҳоджон ака!*» дейди илтимосчи хоним сўнги пишанглари қўллаб. «*Мен сарқитхўр эмасман!*» деб қўяди ичида «*кўзи тўқ*» арбоб»<sup>15</sup> матнида «*кўзи тўқ*» кинояси қўлланган. Мазкур сўз кўштирноқсиз қўлланганда ибора бўлади. Парчада эса у киноявий мазмун ташийди. Яъни «*кўзи тўқ*» тескари маънода «*очкўз*» деганидир. Инглиз тилида: «*You can do as you please with me, even hurt me, but please, help me, brother Farhod-jon*» *beseached the lady. «I don't wear others' hand-me-downs», he would say to himself.*»<sup>16</sup> Бунда «*кўзи тўқ*» кинояси инглиз тилига таржима қилинмаган. Бунинг икки асоси бор: 1. «*Кўзи тўқ*» ибора сифатида реалия характериға эга. 2. Шу нуқтаи назардан у миллий маданий хосликни акс эттиради. Шунга қарамай, матн моҳиятини тўғри англаш учун мазкур киноявий сўзни «*the lavish spender*» тарзида бериш мумкин эди.

Бобнинг учинчи фаслида ёзувчи услубига хос янги сўзлар ва қаҳрамон лақабларининг таржимадаги ифодаси ўрганилган. Маълум бир асарни яратишда ҳар бир ёзувчи адибнинг ўзига хос услуби мавжуд бўлиб, уни таржима жараёнида сақлаб қолиш ва иложи борича хорижлик ўқувчига асл ҳолида етказиш мутаржим олдида турган энг асосий вазифалардандир. Бу ҳақда Э.Гут, Ғ.Саломов, Х.Толипова, А.Расулов, Ш.Ғ.Давронова,

<sup>12</sup> Шералиева М. 80-йиллар ўзбек насридаги киноя хусусида/Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 1. – Б. 41.

<sup>13</sup> Аъзам Э. Жаннат ўзи қайдадир. Бир йил битиклари (ҳикоялар, киноқиссалар, драматик асар ва публицистик миниатюралар). – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 14.

<sup>14</sup> Аъзам Э. Жаннат ўзи қайдадир. Бир йил битиклари (ҳикоялар, киноқиссалар, драматик асар ва публицистик миниатюралар). – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 16.

<sup>15</sup> Аъзам Э. Шовқин. Роман, қисса, ҳикоялар. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 63.

<sup>16</sup> A'zam E. Farewell to Fairy Tales. – United Kingdom: Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P. 60.

М.Мирқосимова, Н.Ашуроваларнинг<sup>17</sup> илмий ишларида кенгроқ маълумот олиш мумкин.

Эркин Аъзам услубига хос муҳим хусусият шундан иборатки, у ўзбек тили лексикасига янги сўзларни олиб кирган. Бу сўзлар икки хил йўл билан ясалганлиги кўзга ташланади. 1. Аффиксация усули. Бунда сўзга сўз ясовчи қўшимча қўшилиши натижасида янги сўз ҳосил қилинган. Жумладан, «*жуфтгарчи*» (*жуфт* сўзи+*гарчи* қўшимчаси) «*даллол*» сўзига синоним бўла олади ва таржимада у мавҳум мазмундаги «*someone*» гумон олмоши билан берилган. Ваҳоланки, парчадаги «*даллол*» маъносини инглиз тилидаги «*middleman*», «*dealer*», «*speculator*», «*profiteer*» каби сўзлардан бири билан берса, қаҳрамон шахси ойдинлашиб, аслиятдагидек ифодаланган бўларди.

Шунингдек, адиб ўз асарларида «*хона*» аффиксоиди ёрдамида бир неча ўрин-жой отини англаторувчи янги сўзлар тизимини яратган: «*кинохона*», «*калхона*», «*мансабхона*», «*омонатхона*», «*ёлғизхона*». Бу сўзлар инглизча матнда асосан маънони сақлаган ҳолда тил структурасини ўзгартириб таржима қилинган. «*Кинохона*» (турдош от+аффиксоид) мазмунан кинотеатр сўзини англатади ва инглиз тилига «*the cinema*» тарзида ўгирилган.

2. Композиция усули, яъни сўзни сўзга қўшиш орқали. Масалан, «*тезфаҳм*» (*тез* равиши+*фаҳм* мавҳум оти) хусусият билдирувчи қўшма сифати таржима матнда ифодаланмаган: «*Eh, he is a crazy man,» Mahmud said, diverting the conversation to another topic.*»<sup>18</sup> Бу сифатни «*quick witted*» сўзи билан бериш мумкин. «*Сарғишбашара*» (*сарғиш* сифати+*башара* турдош оти) ташқи кўринишни ифодаловчи қўшма сифат бўлиб, таржимада номувофиқ тарзда инсон соғлиғи билан боғлиқ ҳолатни ифодаловчи «*the yellow-skinned*» (*заҳил юзли*) тарзида ўгирилган. Бу ўринда инсон терисининг табиий рангини ифодалаш учун «*fair skinned*» сўзини қўллаш орқали аслиятни сақлаш мумкин бўлади.

Э.Аъзам услубига хос яна бир муҳим хусусият қаҳрамонни номлаш билан боғлиқ. У қаҳрамонни икки хил: фақат лақабнинг ўзи билан ва исм ва лақаб билан атайди. Унинг жамиятдаги ўрни, касби, ташқи кўринишига кўра ҳамда бадий асар қаҳрамонларига тақлидан ўзига хос лақаблар билан номлайди. Шунга кўра лақабларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Жамиятдаги ўрнига кўра қўйилган лақаблар: а) фақат лақабнинг ўзи билан. Масалан, «*Мусофир*» лақабли қаҳрамон маҳаллага кўчиб келади ва ҳеч кимга қўшилмайди. Таржимада қўлланган «*the outsider*» сўзи «*мусофир*» маъносини беради.

<sup>17</sup> Gutt E. Translation and Relevance: Cognition and Context. – Oxford: Basil Blackwell, 1991. – 278 p. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 314 б. Толипова Х. Услубан мураккаб асарлар таржимасининг хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс. – Т., 1994. – 142 б. Расулов А. Услуб – истеъдод портрети. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 36 б. Давронова Ш. Адабий жараён ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги. Монография. – Т.: Фан, 2008. – 128 б. Мирқосимова М., Рустамова М. Жанр ва маҳорат. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 86 б. Ашурова Н. Эркин Аъзам услубининг айрим хусусиятлари//Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №5. – Б. 65-67.

<sup>18</sup> A'zam E. Heirs to the Great Sinner Sheikh San'on. – United Kingdom: Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P. 124.

2. Лақаблар қахрамоннинг касби билан аталган:

а) фақат лақаб билан. Бунда лақаблар орқали қахрамонлар ҳақида маълумот олиш мумкин. «*Дайди шоппер*» («*the migrant driver*») – аниқ бир жойда ишламайдиган ҳайдовчини ифодалайди; «*фан номзоди*» («*candidate of science*») лақаби қахрамоннинг ўқимишли, олим эканлигини тасдиқлаб туради;

б) исм ва лақаб билан. «*Соли бақироқ*» – «*Soli-the-screamer*», «*Аҳад махсум*» – «*Ahad-the-Sufi*», «*Исмоил телнакдўз*» – «*Ismoil-the-shoemaker*», «*Ражаб қора*» – «*Rajab-the-dark*». Бу лақабларда «*Соли бақироқ*» характери, «*Аҳад махсум*» мўмин-қобилликни, «*Ражаб қора*» ташқи кўринишни, «*Исмоил телнакдўз*» эса шуғулланадиган хунарни ифодалаб келган. Фақат «*Ismoil-the-shoemaker*» лақабидаги «*shoemaker*» ўзбек тилида «*этикдўз*» маъносини беради. Шу жиҳатдан лақаб касбни нотўғри ифода этган. Чунки *телнакдўз* инглиз тилида «*fur hat maker*» тарзида ўгирилади.

3. Ташқи кўринишига кўра номланган лақаблар:

а) фақат лақаб билан. «*Пакана – The Dwarf*» лақаби, аввало, ўз маъносидан ташқи кўринишни ифодалаб келади. Иккинчидан, кўчма маънода ҳаётда кўп эзилган, жамиятда ўрин тополмаган инсонни ҳам ифодалаб келади;

б) исм ва лақаб билан. «*Ўрмон калта – Urmon-the-dwarf*» лақаби орқали қахрамоннинг бўйига ишора қилинган, шунингдек, жамиятда ўзи тасаввур қилганидан камроқ обрў ва аҳамиятга эга эканини англатган. Бу қахрамон «*Ўрмон шахс*» лақаби билан ҳам қўлланган.

4. Қахрамоннинг характер-хусусиятига кўра қўйилган лақаблар:

«*Гули-Гули*» қиссасида қўлланган «*Қодир каламуш*» лақаби Қодир исмли қахрамонга тегишли бўлиб, ўз манфаати учун ҳамма нарсага тайёр, давлат мулкани муттасил талон-тарож қиладиган одам бўлгани учун унга нисбатан «*каламуш*» («*Qodir-the-rat*») лақаби қўлланган ва лақабнинг ўзиданоқ ўқувчида у ҳақида салбий фикр уйғота олган.

5. Бадий асар қахрамонларига тақлидан номланган қахрамонлар:

«*Ёзувчи*» ҳикоясида «*Ёрмат*» лақабли қахрамон қатнашган. Ёрмат – Ойбекнинг «*Қутлуғ қон*» романи қахрамони, Мирзакаримбойнинг хизматкори. Бу асарда ҳам Ёрмат шу мақомда, шу даражада ҳаракат қилади. Таржимада атоқли от айнан берилган ва изоҳланган: «*In fact, it was Yormat who appeared there first. (...the professor remembered the office manager of the rich man in the novel The Sacred Blood and nicknamed him Yormat)*»<sup>19</sup>

Диссертациянинг «**Таржимада миллий менталитетга хос хусусиятларнинг ифодаланиши**» деб номланган иккинчи боби учта фаслдан иборат. Дастлабки фаслда реалаялар ва уларнинг инглизча таржимада берилиши масаласи ёритилган. Дунё ва ўзбек тилшунослигида реалаялар бўйича Т.И.Ткачук, И.Исченко, А.О.Иванов, С.Флорин, Г.Томахин, С.Г.Тер-Минасова, И.Ю.Марковина, Ғ.Саломов, Н.Комилов,

<sup>19</sup> A'zam E. Farewell to Fairy Tales. – United Kingdom: Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P. 251.

Д.Джуманова, Р.Касимова, О.Файзуллаев<sup>20</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари эътиборли. Таниқли ўзбек ёзувчиси Э.Аъзам асарлари таржимаси жараёнида таржимон ўзбек миллати маданияти ва маънавияти, урф-одат ва анъаналарини ифода этувчи сўзларни тушуниб, аслиятга мос ҳолда етказишга ҳаракат қилган. Шундай сўзлар орасида реалиялар алоҳида ўрин тутди. Шу жиҳатдан ўзбек миллий реалиялари тилшунос олим В.С.Виноградов<sup>21</sup>нинг реалияларнинг тўрт хил таржима усулларидадан фойдаланган ҳолда таснифлаш асосида таҳлил қилинган. Шу нуқтаи назардан қаралса, ўзбекча реалиялар таржимасида ҳам бир қатор қулайлик ва ноқулайликлар кузатилади.

Д. Джуманова ўзбек реалиялари ҳақида фикр юритар экан, уларни ўн бирга бўлиб таснифлайди<sup>22</sup>. Адиб асарларида қўлланилган қуйидагича реалияларни гуруҳлаштириш мумкин:

1. Уй-рўзгор предметлари номининг реалия сифатида келиши:

а) таомлар ва ичимликлар номи; б) иншоотлар, жамоат муассасалари, турар жой ва бошқа маиший муассасалар ва уларнинг қўшимча қисмлари номи; в) интерьер предметлари номи; г) идиш, сифимлар номи; д) кийимлар, уларнинг фасонлари номи; е) матолар номи; ж) пардоз анжомлари номи.

2. Нумизматик лексика.

3. Санъат дунёси, мусиқа, хунармандчилик, одоб-ахлоқ, менталитет билан боғлиқ номлар.

4. Турли белгиларга кўра шахсларнинг номланиши:

а) қариндош-уруғчилик алоқаларига қараб шахсларнинг номланиши.

5. Маъмурий-худудий бўлиниш билан боғлиқ лексика.

6. Ўсимликлар дунёси.

7. Антропонимлар:

а) туман ва маҳаллалар номи.

Шуни таъкидлаш лозимки, таржимада сўзни айнан бериб, изоҳ берганда реалия маъноси етказилган. Реалияни инглизча таржима қилиб берилганида

---

<sup>20</sup> Ткачук Т.И. *Realia types and strategies of their translation in frames of cultural translation*//Научный вестник. – Украина, 2017. – №30(2). – Стр. 105-107. Исченко И. *Difficulties while translating realia*//Вестник. – Украина, 2012. – №1(3). – Стр. 273-278. Иванов А.О. *Безэквивалентная лексика. Санкт-Петербургский государственный университет*, 2006. – 192 с. Florin S. *Realia in translation*//*Translation as Social Action. Russian and Bulgarian Perspectives*. – London: Routledge, 1993. – P. 122–128. Томахин Г.Д. *Реалии – американизмы*. – М.: Высшая школа, 1988. – 239 с. Тер-Минасова С. *Язык и межкультурная коммуникация*. – М.: Слово, 2000. – 146 с. Марковина И.Ю. *Межкультурный фактор в переводе*. – М.: Наследие, 2001. – 230 с. Саломов Ф., Комилов Н. *Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима)*. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 224 б. Джуманова Д. *Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели*. Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Т., 2016. – 87 б. Касимова Р. *Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши*. Филол.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2018. – 169 б. Файзуллоев О. *Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада берилиши (болалар фольклори ва эртақлар мисолида)*. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2019. – 49 б.

<sup>21</sup>Виноградов В.С. *Лексические вопросы перевода художественной прозы*. – М.: Изд-во МГУ, 1978. – 174 с.

<sup>22</sup>Джуманова Д. *Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели*. Филол.фан. докт. дисс. автореф. – Т., 2016. – Б.19-20.

эса хатоликлар юзага келган. Масалан, маиший муассасалардан бири «*чайхона*» реалияси «*teahouse*» тарзида ўгирилган. «*Tea*» – «*чай*» инглиз халқи тушунчасига кўра, ширинлик билан истеъмол қилинадиган суюқлик маъносини беради. Рус тилида ҳам «*чайпитие*» тушунчаси шу маънони ифодалаб келади. Аммо ўзбек халқида «*чайхўрлик*» тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у овқатланиш жараёнини ҳам қамраб олади. Худди шундай чайхона ҳам улфатлар билан бориб, овқат пишириб, паловхўрлик қилинадиган махсус жой. Шу сабабли бу ўринда «*teahouse*» ўзбек тилидаги «*чайхона*» тушунчаси маъносини тўла беролмайди. Таржимада «*чайхона*» сўзини аслича қолдириб, матн охирида изоҳ тарзида берилса, тўғри бўлар эди.

Таржимон қариндош-уруғчилик реалияларини аслича таржима қилган. «Шовқин» романидаги «*Латиф ака*» қахрамонига нисбатан ишлатилган «*ака*» сўзи ёши катта, ҳурматга сазовор, обрўси баланд одамларга нисбатан қўлланилади. Таржимон бу парчадаги *ака* сўзини аслича қолдирган ва изоҳда қуйидагича тушунтирган: «*Ўзбеклар тахаллус қўйишни ёқтиришади ва одатда ҳурмат ё яқинликни билдириши учун қўшимчалар қўйишади. Масалан, ҳурматни билдириши учун – opa/sister, -khon/khan, -boy/wealthy, rich, -jon/soul, яқинлик ва меҳрни билдириши учун – Farhod-jon, Valya-khon, Ramazon-boy, ва ҳ.к.*»<sup>23</sup> Таржимада: «*His name was Khudyakov Leonid. Everyone called him «Latif-aka.» Khudyakov is Khudoyakov, which means «Allah is alone.»*»<sup>24</sup>

Бобнинг иккинчи фаслида миллий характер ва урф-одатлар ифодасига хос жиҳатлар ҳақида сўз юритилган. Эркин Аъзам асарлари миллий руҳ билан суғорилган. Бу ҳодиса реалиялардан ташқари миллий колорит, анъана ва урф-одатлар тасвирида ҳам ёрқин кузатилади. Мутаржим адиб услубини қайта яратиш жараёнида ўзбек халқига хос шу жиҳатларни англашга ва инглиз тилида беришга ҳаракат қилган. Айниқса, ўзбек характерига мос келувчи портрет ифодалари таржимасида маҳорат кўрсатган. Мисол учун, «*бақироқ*» сифати режиссёрнинг ижод жараёнидаги ҳолатини ифодалаб келади. Инглиз тилига бу «*the loud-mouthed*» ибораси билан берилган. Ёки «*жонсарак*» сифати инглиз тилида сифатдош орқали «*somewhat confused*» тарзида ўгирилган. Гарчи бунда сўз туркуми ўзгарган бўлсада, таржима ёзувчи ифодалаган маънони бера олган.

Яна бир мисолда ўзбек аёлининг ўзига хос хусусиятларидан бири «*пой-патак*» жуфт сўзи қўлланган. Бу жуфт сўз «*жуда камтар, хокисор*» каби маъноларни англатади. Таржимада бу сўз акс этмаган, лекин бу сўзни «*my nice Nelly mother*» тарзида ибора билан ёки «*overmodest*» қўшма сифати билан ифодалаш мумкин.

Шунингдек, адиб асарларида миллий урф-одатлар юксак тасвирланган ва таржимада ҳам ўз ифодасини топа олган. Масалан: «*Одатдаги қуюқ-суюқ, одатдаги «олинг-олинг» у сипо гурунг. Негадир одатдаги танишув-таништирув бўлмади; чамаси, бу ердаги мендан бошқа ҳамма бир-бири билан таниш*»<sup>25</sup> лавҳасида ёзувчи ўзбек халқининг бутун дунёга машҳур

<sup>23</sup> A'zam E. Farewell to Fairy Tales. – United Kingdom: Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P. 15.

<sup>24</sup> A'zam E. Farewell to Fairy Tales. – United Kingdom: Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P. 44.

<sup>25</sup> Аъзам Э. Шовқин. Роман, қисса, ҳикоялар. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 81.

меҳмоннавозлиги, одамохунлигини «қуюқ-суюқ», «олинг-олинг», «суро гурунг» тарзида ифода этган. Таржима куйидагича: «*The usual food, the usual first and second courses, accompanied by the usual modest topics of conversation ruled the banquet.*»<sup>26</sup> Бунда «қуюқ-суюқ» – хилма-хил ўзбек таомларини, аниқроғи, суюқ ва қуюқ овқатларни ўзида акс эттирган. Таржимада бу ифода «*first and second courses*» орқали мантиқан тўғри берилган. «*Олинг-олинг*» такрор сўзи меҳмонни дастурхонга чорлаш мақсадида ишлатилади. Таржимада бу сўз айнан берилмаган, аммо матн мазмунидан келиб чиқиб, «*offering to eat*» деб берса бўлади. «*Суро гурунг*» эса инглиз тилига «қуруқ», оддий сўз бирикмаси тарзидаги «*modest topics of conversation*» сифатида ўгирилган. Аммо бундай бирикма инглиз тилининг кенг имкониятларидан келиб чиқиб, «*common lively talks*» тарзида берилса, матн бадиийлиги сақланар эди.

Бобнинг учинчи фаслида адиб асарларида қўлланилган ўзбек мақоллари миллийликни ифода этувчи восита сифатида ўрганилган. Унда Эркин Аъзам асарларида фойдаланилган мақолларнинг таржимада берилиши масалалари мисоллар билан асосланган. Маълумки, бадиий асарларда мақоллардан фойдаланиш ва уларни таржимада қайта ифодалаш масалалари бўйича турли йилларда Альберт Н.Катс, Уильям Ф.Брюер, М.В.Буковская, Ф.Саломов, Х.Исматуллаев, К.М.Караматова, Ҳ.С.Караматовлар<sup>27</sup> тадқиқот олиб боришган. Бинобарин, Эркин Аъзам асарларидаги миллий руҳни кучайтиришга хизмат қилган воситалардан бири мақоллардир. Адиб асарлари таржимаси жараёнида фақат ўзбек халқи орасида кўп қўлланиладиган бундай жанр намуналарига ҳам эътибор қаратилган. Бинобарин, «Мақоллар ўз табиатига кўра халқаро ибора ҳисобланади. Дунёда ўз мақолларига эга бўлмаган халқнинг ўзи йўқ. Чунки ҳар бир халқ ҳаётини тажрибаларини мақоллар шаклида авлодларга қолдиради. Шунинг учун ҳам турли халқлар оғзаки ижодида мазмун ва шакл жиҳатидан бир-бирига яқин ҳамда ҳамоҳанг мақоллар кўп учрайди»<sup>28</sup>. Таржимада халқ мақоллари икки хил ҳолатда ўгирилган: 1. Сўзма-сўз таржима. Бунда мақол деярли ўзгаришсиз киритилган. 2. Инглиз тилидаги муқобилларини қўллаш. Бунда ҳам аслиятдаги мазмун ифода этилган.

Адибнинг «Ёзувчи» асарида «*Ҳар балонинг бир нафи ҳам бордур*» мақоли «*There is something good in every misfortune*» тарзида ўгирилган.

<sup>26</sup> A'zam E. Farewell to Fairy Tales. – United Kingdom: Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P. 77.

<sup>27</sup> Katz A.N., Ferretti T.R. Moment-by-moment reading of proverbs in literal and nonliteral contexts//Metaphor and Symbol, 2001. – №16 (3). – P. 193-221. Bock K.J., Brewer W.F. Comprehension and Memory of the Literal and Figurative meaning of proverbs//Journal of Psycholinguistic Research, 1980. Vol. 9. – №1. – P. 59-72. Bukovskaya M.V., Vyalseva S.I., Dubyanskaya Z.I. A dictionary of English proverbs in modern use. – M.: Russky yazyk, 1985. – 242 p. Саломов Ф. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: Фанлар академияси, 1961. – 160 б. Исматуллаев Х. Инглизча мақол, матал ва идиомалар. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 96 б. Караматова К.М. Караматов Ҳ.С. Proverbs, мақоллар, пословицы. – Т.: Мехнат, 2000. – 402 б.

